ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШТАЕВ ДИЛШОД РАВШАНБЕКОВИЧ

11-13 ЁШЛИ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА ОЛДИ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИДА МАШҒУЛОТ ЮКЛАМАСИНИ БОШҚАРИШ УСЛУБИЯТИ

13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2020

УДК:796.4:015:011.1/3

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Иштаев Дилшод Равшанбекович
11-13 ёшли гимнастикачиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичида машғулот юкламасини бошқариш услубияти…….....…… 5

Иштаев Дилшод Равшанбекович
Методика управления тренировочной нагрузкой на этапе предсоревновтельной подготовки гимнастов 11-13 лет……...……... 27

Ishtaev Dilshod Ravshanbekovich
Managing method of training loads at the pre-competitional (preparation) stage of 11-13 aged gymnasts……..…….....…….....……..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....……...……..... 55

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШТАЕВ ДИЛШОД РАВШАНБЕКОВИЧ

11-13 ЁШЛИ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА ОЛДИ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИДА МАШҒУЛОТ ЮКЛАМАСИНИ БОШҚАРИШ УСЛУБИЯТИ

13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Ped645 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.uzdjtsu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Умаров Марс Нарзиевич** педагогика фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ханкельдиев Шер Хакимович** педагогика фанлари доктори, профессор
	Тўхтабоев Низомжон Турсуналиевич педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети (А-биноси, 1-қават, 114-аудитория).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д., (PhD)

Б.Б.Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида гимнастикачиларнинг ўқув-машғулотлари жараёнида асосий эътибор техник тайёргарликка қаратилмоқда. Гимнастика кўпкураш машқларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, уларнинг хилма-хиллигидир, шу сабабдан гимнастикачиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини такомиллаштиришда кўпкураш турларига кирадиган барча машқлар бўйича ўқув-тренировка жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил қилиш, спортчиларнинг жисмоний ва психологик сифатларини такомиллаштириш орқали юқори натижаларни кўрсата олишга ўргатиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда халқаро гимнастика спорт мусобақаларини кузатиш натижасида ҳаракат тайёргарлигининг самарали восита ва усулларини илмий таъминлаш, асослаш ҳамда тажриба натижаларини ўқув-машғулот жараёнига жорий қилиш мақсадида, спорт оламида ёш, юқори малакали гимнастикачиларнинг жисмоний, техник, тактик, психологик ва функционал тайёргарликларига йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. XXI аср гимнастикаси иқтидорли ўсмир гимнастикачилар учун мусобақа олди тайёргарлик босқичи микро, мезо ва макроциклларидаги машғулот юкламаси тизимининг рационал вариантларини ишлаб чиқиш, уларни илмий асослаш ҳамда катталиги ва жадаллиги бўйича тақсимлашни амалиётга жорий қилиш талабини қўймоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорти соҳасида аҳолининг турли қатламларини қамраб олган самарали миллий тизим вужудга келгани ва у ҳозирданоқ яхши натижалар бераётгани нафақат ўзимиз, балки ҳорижий мутахассислар томонидан ҳам тан олиниб, эътироф этилмоқда. Бу мазкур соҳадаги ишларнинг нақадар пухта ўйланиб, узоқни кўзлаб амалга оширилаётганлигини кўрсатади. «Биз халқаро майдонларда Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшган спортчиларимиз билан фахрланамиз. Шу билан бирга, олий спортда эришилган ютуқлар билан чегараланмасдан, оммавий спортга катта эътибор беришимиз керак»[1]. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистонда гимнастика спорти бўйича кўплаб илмий адабиётлар яратилган ва шу билан бир қаторда ҳали ўрганилиши зарур бўлган масалалар, яъни гимнастика спортини оммалаштириш, ёшларни ушбу спорт турига жалб қилиш, селекция ва саралаш ишлари бўйича илмий-услубий қўлланмалар яратиш, Ўзбекистон терма жамоаларига ёш, иқтидорли, қобилиятли спортчиларни етказиб бериш каби ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжуд. Бугунги кунда гимнастикачиларнинг мусобақа олди босқичида машғулот юкламаларини бошқаришни илмий асосда ташкил этиш зарурати юзага чиқмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда» ги нутқи, 2018 йил 21 сентябрь, «Халқ сўзи газетаси», 1-2 бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 ноябрдаги ПФ-2654-сонли «Ўзбекистон Республикасида спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 9 мартдаги ПҚ–2821-сонли «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2019-2023 йилларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори асосида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, аҳоли, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан тизимли шуғулланишлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт натижаларини янада ривожлантиришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш билан боғлиқ устувор йўналишлари» доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Л.Я.Черешнева, В.С.Чебураев, А.И.Ефименко, Ю.А.Ипполитов каби спорт гимнастикаси бўйича бир қатор мутахассислар юқори спорт натижаларига эришиш, педагогика соҳасида илмий тадқиқот жараёнларининг сифат ва самарадорлигини ошириш ҳақидаги масалалар ечимини топиш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш заруратини кун тартибига қатъий қўйган[2].

Охирги ўн йилликда жаҳон гимнастикасида рақобат сезиларли даражада ошди, тренировка жараёнининг жадаллиги, дастурий машқларнинг мураккаблиги ва ўта мураккаблиги ортди, ўсмир гимнастикачиларни тайёрлашнинг интеграл муаммолари борган сари жиддийлашиб бормоқда. Ушбу муаммолар ўсмир гимнастикачилар тренировка юкламалари ҳажми ва жадаллиги даражасининг асоссиз оширилиши туфайли юзага келмоқда, улар юрак-қон томир ва асаб-мушак тизимида салбий функционал ўзгаришларга олиб келади.

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра (Л.Я.Аркаев, Н.Г.Сучилин, В.Н.Платонов, Ю.К.Гавердовский ва бошқалар), фақатгина турли катталик ва

[2] Черешнева Л.Я., Чебураев В.С. и др. «Особенности предсоревновательной подготовки и моделирование соревновательной деятельности в тренировочном процессе гимнасток высокой квалификации». Методические рекомендации. М.: 1997. – 63 с., Ефименко А.И. Индивидуализация тренировочного процесса высококвалифицированных гимнастов на основе самоконтроля. Дисс.канд. пед.наук. Т.: 1993. – 167 с., Ипполитов Ю.А., Чебураев В.С. Методические основы совершенствования спортивных упражнений посредством оптимизации их характеристик // Теория и практика физической культуры. - 1998. - № 10. - С. 23 - 25.

йўналишдаги юкламалар таъсири остида организм тизимларининг функционал ривожланиши ҳақидаги илмий тасдиқланган маълумотлар кичик, ўрта ва катта тренировка циклларида вақт ва сон параметрларини кўпайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. 11-13 ёшли гимнастикачиларнинг ўқув-тренировка жараёнини такомиллаштириш муаммолари кам ўрганилганлигига қарамасдан, кўпчилик соҳа мутахассисларининг ҳаракатлари юқори малакали гимнастикачилар ўқув-тренировка жараёнини такомиллаштиришнинг қулай тизимини излаб топишга қаратилган[3].

М.Н.Умаров, Р.В.Кейль, А.И. Ефименко, И.В.Кулькова, Е.Ю.Розин, А.К.Эштаев, Д.Х.Умаров, Г.М.Хасанова ва бошқаларнинг ишлари ёш гимнастикачиларнинг ўқув-тренировка жараёни самарадорлигини ошириш йўлларини топишга йўналтирилган[4].

Адабиётлардаги мавжуд материалларни ва мамлакатимиз етакчи тренерларининг амалий ишларини таҳлил қилиш орқали олинган материаллар бизнинг тадқиқотимиз мавзусини танлаш учун асос бўлди. Бизнинг фикримизга кўра, ўсмирлар организмининг функционал тизимлари, базавий жисмоний сифатлар ва ҳаракат кўникмаларини шакллантириш жараёни кўрсаткичларини аниқлаш ёш гимнастикачиларнинг махсус тайёргарлик босқичида спорт-техника маҳоратининг самарали ўсишига ёрдам берувчи энг қулай тренировка юкламаси параметрларини очиб беришга имкон яратади. Тренировканинг ҳафталик циклида «катта», «ўрта» ва «кичик» хажмдаги юкламаларнинг ўзгариши, 11-13 ёшли гимнастикачиларнинг МЖТ ва МТТ даражасини самарали ошириш, тренировка жараёнида қўлланилишига рухсат берилган жадаллик даражасини аниқлаш имконини беради.

Бу вазифаларнинг барчаси диссертация ишининг танланган йўналиши бўйича умумий концепцияси ва долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

---

[3] Аркаев Л.Я., Сучилин Н.Г. Как готовить чемпионов. /Теория и технология подготовки гимнастов высшей квалификации. М.: ФИС 2004. – 326 с., Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Общая теория и её практические приложения – Киев: Олимпийская литература, 2004 - 808 с., Гавердовский Ю.К. Обучение спортивным упражнениям. Биомеханика. Методология. Дидактика. - М.: Физкультура и Спорт, 2007. – 912 с., ил.

[4] Умаров М.Н. Структура тренировочных нагрузок в периодах годичного цикла у юных гимнастов 13-15 лет в условиях спортивного интерната. Дисс.канд. пед. наук.- М. ВНИИФК, 1980. -225 С., Кейль Р.В. Методика развития физических качеств юных гимнастов на этапе начальной подготовки: Дис… канд. пед. наук. – М., 1990. – 189 с., Ефименко А.И. Умаров М.Н. Управление предсоревновательной подготовкой юных гимнастов. Т.: 1990. -63 с., Кулькова И.В. Построение тренировочного процесса гимнастов на этапе начальной подготовки: Дис. канд. пед. наук. – М., 1991. –198 с., Розин Е. Ю. Педагогическая диагностика физического состояния и специальной подготовленности спортсменов с использованием компьютерной техники (на примере гимнастики): Автореф. дис.д-ра пед. наук в виде научного доклада. - М., 1997. - 73 с., Эштаев А.К. «Структура и распределение средств тренировки гимнастов 6-9 лет на начальном этапе подготовки» Дисс. канд. пед. наук.- Т.: УзГИФК, 2007. -187 с., Умаров Д.Х. Ёш гимнастикачилар жисмоний сифатларини тайёргарлик босқичида ривожлантириш технологияси. Дисс.канд. пед. наук.- Т.: УзГИФК, 2007. -187 б., Хасанова Г.М. Построение соревновательного мезоцикла у юных гимнасток на этапе спортивного совершенствования. Дисс. канд. пед. наук. - Ташкент: УзГИФК, 2011. – 173 с.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети 2016-2019 йилларга мўллжалланган илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон терма жамоаларига юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тренировка юкламаларининг оптимал тизимини ишлаб чиқиш, уларни микро ва мезоцикларга тақсимлаш ҳамда улар асосида ўқув-тренировка жараёнида 11-13 ёшли гимнастикачиларни тайёрлашни бошқаришнинг самарали услубиятини тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

11-13 ёшли гимнастикачиларнинг мусобақаолди тайёргарлик босқичида жисмоний ривожланиш хусусиятларини, махсус-ҳаракат тайёргарлигини ва ўқув тренировка жараёни воситаларини илмий методик жиҳатдан ўрганиш;

11-13 ёшли гимнастикачиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичида тренировка амалиётида қўлланиладиган тренировка юкламасининг ҳажми ва жадаллигини аниқлаш;

жисмоний сифатларни ривожлантиришга ва гимнастика кўпкурашининг базавий элементларини муваффақиятли ўзлаштиришга йўналтирилган махсус-ҳаракат ва тайёргарлик машқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

11-13 ёшли гимнастикачиларни тайёрлашнинг мусобақа олди босқичи микро ва мезоцикларида тренировка ҳамда мусобақа юкламаларини тақсимлаш вариантлари самарадорлигини тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти ихтисослаштирилган тайёргарлик босқичида иқтидорли ёш гимнастикачиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги учун дастурий талаблар.

Тадқиқотнинг предмети мусобақа олди босқичида 11-13 ёшли гимнастикачилар тренировка юкламасини тузилиши ва мазмуни.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, анкета-сўров, педагогик кузатув, педагогик назорат тестлари, антропометрик ўлчовлар (морфофункционал кузатув усуллари), тиббий-физиологик кузатув, пульс ва артериал босимни ўлчаш, педагогик тажриба, математик статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

11-13 ёшли гимнастикачиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичи жараёнидаги жисмоний ривожланиши, махсус жисмоний тайёргарлиги, техник тайёргарлиги ва тренировка воситаларининг спорт таснифлари бўйича кўрсаткичлари илмий-методик жиҳатдан такомиллаштирилган;

11-13 ёшли гимнастикачиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичида қўлланиладиган тренировка юкламаси ҳажми ва жадаллигини мақбул вариантлари (душанба - ўртача юклама, сешанба - ўртача, чоршанба - катта, пайшанба - кичик, жума - катта, шанба - ўртача юклама ва якшанба - фаол дам олиш) тиббий-биологик ва ҳаракат функциялари кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

жисмоний сифатларни ривожлантиришга ва гимнастика кўпкураши

турларида базавий дастур машқларини босқичма-босқич ўзлаштириш учун замин яратишга йўналтирилган махсус ҳаракат тайёргарлиги бўйича машқлар мажмуаси (мусобақа дастурида бажариладиган ва элементларни бир-бирига боғлашда қўлланиладиган машқлар асосида) илмий асосланган;

тренировка юкламасининг катталиги, мақсадга йўналтирилганлиги бўйича турли параметрлар ҳамда уларни мусобақа олди тайёргарлик босқичининг микро ва мезоцикларида самарали тақсимланишини инобатга олган ҳолда 11-13 ёшли гимнастикачиларнинг ўқув-тренировка жараёнини шакллантириш дастури тажриба йўли билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Гимнастика спорт турларига ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабида шуғулланадиган 11-13 ёшли иқтидорли гимнастикачилар ўқув-тренировка жараёнининг тузилиши хусусиятлари бўйича спорт тренировкаси назарияси ва услубиятига тааллуқли янги маълумотлар асослаб берилди ва тавсия қилинди.

Катталиги ва мақсадга йўналтирилганлиги бўйича ҳар хил бўлган тренировка ва мусобақа юкламаларининг моделли тавсифлари ишлаб чиқилди, бунда назоратнинг педагогик ва тиббий-биологик воситалари тайёргарликнинг мажмуавий дастурини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Асосий тажрибаларда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари амалга оширилди: ёш гимнастикачилар организмининг функционал тизимларида адаптация жараёнини бир вақтда ортиши, жисмоний ва техник тайёргарлик даражасининг ўсишига кўмаклашди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқотлардан олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий ва услубий база, илмий тадқиқотнинг мантиқий кетма-кетлиги, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги ватанимиз ва чет эл олимлари, шунингдек, амалиётчи мураббийларнинг фикрларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ва ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи тадқиқот услубларининг қўлланганлиги, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил қилиш усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти катталиги ва мақсадга йўналтирилганлиги турлича бўлган тренировка ва мусобақа юкламалари кўрсаткичлари бўйича тузилган моделли тавсифлар асосида мусобақаолди босқичининг мажмуавий дастурини ишлаб чиқишдан, истиқболли 11-13 ёшли гимнастикачиларнинг спорт-техник маҳоратини ошириш мақсадида илмий асосланган ўқув-тренировка жараёнини тузиш имкониятидан иборат. Тажрибада асосланган тадқиқот натижаларидан ЎзДЖТСУ «Гимнастика назарияси ва услубияти» кафедраси ўқитувчилари «Мутахассислик» курси бўйича ўқув-услубий ҳужжатларни тайёрлашда, ихтисослашган БЎСМ ва спорт мактаб-интернатлари ўқитувчилари 11-13 ёшли гимнастикачиларнинг ўқув-тренировка гуруҳлари

учун ўқув режаларини тузишда фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўсмир гимнастикачиларни тайёрлаш бўйича назарий ва методик ишга қўшимчаларнинг киритилиши ва уни аниқлаштириш ЎзДЖТСУ талабалари, БЎСМ ва ИБЎОЗСМ ўқувчилари, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари тингловчилари, спорт гимнастикаси назарияси ва услубияти соҳаси мутахассислари учун муҳим маълумот сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. 11-13 ёшли гимнастикачиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичида машғулот юкламасини бошқариш услубияти бўйича олинган натижалар асосида:

11-13 ёшли гимнастикачиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичида жисмоний ривожланиш хусусиятлари, махсус-ҳаракат тайёргарлиги ва ўқув-тренировка жараёнидаги воситаларнинг тақсимланиш кўрсаткичлари асосида «Гимнастика (яккакураш, координацион ва циклик спорт турлари)» номли дарслик ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан берилган 434-315- рақамли гувоҳнома). Натижада ёш гимнастикачиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражаси 23,1% га ошган;

11-13 ёшли гимнастикачиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичида қўлланиладиган тренировка юкламаси ҳажми ва жадаллигининг мақбул вариантлари «Гимнастика (яккакураш, координацион ва циклик спорт турлари)» номли дарслик нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-315-рақамли гувоҳнома). Натижада ёш гимнастикачиларнинг спорт-техник тайёргарлиги даражаси 27,6 % га ошган;

жисмоний сифатларни ривожлантириш, гимнастика кўпкураши турларида базавий дастур машқларини босқичма-босқич ўзлаштириш учун «Гимнастика назарияси ва услубияти» номли дарслик нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан берилган 434-278-рақамли гувоҳнома). Натижада махсус жисмоний тайёргарлик машқларининг 23.6 % га оширилиши, тезлик куч сифатлари 23 % га ва махсус чидамкорлик 25 % га ўсишига имкон берган;

катталиги ва йўналиши турлича бўлган тренировка ҳамда мусобақа юкламалари кўрсаткичларига асосланган ҳафталик микроциклларнинг тузилиши ва мазмуни, уларнинг 11-13 ёшли гимнастикачилар мусобақа мезоциклларида оқилона мослаштирилиши «Гимнастика назарияси ва услубияти» номли дарслик нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан берилган 434-278-рақамли гувоҳнома). Натижада ёш гимнастикачиларнинг кўпкураш турларида комбинациялари ишончлилиги

асосий мусобақа йилида 17.7 % га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий журналларида 8 та мақола (6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт бобдан иборат бўлиб, 125 саҳифали матн, 21 та расм, 18 жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, тадқиқот апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Адабиётлардаги ва спорт амалиётидаги маълумотлар бўйича тадқиқотнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида махсус адабиётлар материалларининг таҳлили келтирилган. Таҳлил қилиш 11-13 ёшли ўсмир гимнастикачилар тайёргарлигининг ихтисослаштирилган босқичи бошланиши билан боғлиқ масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ёш спортчилар тренировка амалиётида ҳажми ва жадаллиги бўйича қандай тренировка юкламаларини бажаришлари кераклигини, тайёргарликнинг ҳар хил босқичларида, хусусан, ҳафталик микроциклда ишнинг кетма-кетлиги характери ва цикллилиги қандай бўлиши зарурлигини кўрсатди. Ушбу маълумотларга ҳамда кузатишлар ва экспертларнинг хулосаларига асосланган ҳолда, юкламаларнинг оптимал (катта, ўрта, кичик) даражаларини аниқлаш зарурати мавжуд. Бу, ўз навбатида, тренировканинг ҳафталик цикларини катта, ўрта ва кичик юкламаларни навбат билан қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда оптимал тузиш имконини беради.

«Тадқиқот услублари ва ташкил этилиши» деб номланган иккинчи бобда ўрганилган муаммонинг кўп қиррали ва кенглиги асосланган, уни ташкил қилиш ва тадқиқотларни ўтказишнинг учта босқичи ёритилган.

Биринчи босқичда дастлабки педагогик тадқиқотларнинг қуйидаги вазифалари ҳал қилинди:

а) қўлланилган усулларни апробация қилиш ва барча аппаратлар ишининг аниқлигини баҳолаш;

б) тренировка юкламаларининг ҳажми ва жадаллигини тавсифловчи энг информатив физиологик кўрсаткичларни аниқлаш;

в) тренировка юкламаларининг катта, ўрта, кичкина даражалари миқдор катталикларини аниқлаш.

Тадқиқотларнинг иккинчи босқичида ҳафталик микроциклда катталиги ва мақсадга йўналтирилганлиги бўйича ҳар хил бўлган тренировка юкламаларини навбат билан қўллашнинг оптимал вариантини аниқлаш вазифаси ҳал қилинди.

Тадқиқотларнинг учинчи босқичида асосий педагогик тажриба ўтказилди. Тажрибанинг вазифаси биз томондан таклиф қилинган, умумий қабул қилинган вариантлар билан таққосланган ва олдинги тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тренировка юкламаларини тақсимлаш самарадорлигини аниқлашдан иборат бўлди.

Диссертациянинг **«Мусобақа олди босқичида ўсмир гимнастикачиларнинг ўқув-тренировка машғулотларида қўлланиладиган тренировка юкламалари тизими ва мазмунини тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида касбий фаолиятнинг ҳар қандай турида, жумладан, спорт гимнастикасида ҳам якуний натижага эришиш, авваламбор, микро-, мезо- ва макроцикларда, айниқса, мусобақаолди тайёргарлик босқичида тренировка юкламаларининг катталиги ва жадаллиги бўйича тақсимланиши самарадорлигига боғлиқ эканлиги илмий асосда кўрсатилган. Шунинг учун спорт гимнастикасида охирги ўн йилликларда белгиланган муаммоларнинг амалий ҳал қилиниши бир қатор хусусий вазифаларнинг ечимини топиш жараёнига илмий асосланган ёндашувни талаб қилади, яъни қуйидагиларни:

1. Назариячилар томонидан тавсия қилинган ва ўсмир гимнастикачиларни тайёрлаш амалиётида қўлланиладиган тренировка юкламаларининг асосий параметрларини ўрганиш.

2. Ҳар хил спорт малакасига эга бўлган 11-13 ёшли гимнастикачилар учун ҳажми ва жадаллиги бўйича катта, ўрта ва кичик тренировка юкламаларини аниқлаш.

Юқорида келтирилган вазифаларни ҳал қилиш тренерлар ва ҳар хил малакали гимнастикачиларнинг тренировка фаолиятини педагогик кузатиш материалларини, спорт гимнастикасига ихтисослашган спорт мактабларидаги ўқув-тренировка жараёни бўйича ҳисоботлар ва назорат ҳужжатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилди. Ўсмир гимнастикачиларни тайёрлаш амалиётида қўлланиладиган тренировка юкламаларининг миқдорий ва сифат катталиклари амалиётчи тренерлар ва гимнастикачилар ўртасида ўтказилган анкета-сўров материалларини таҳлил қилиш орқали аниқланди. Шу билан бирга, бир машғулотда тренировка юкламасини тўлиқ таҳлили учун ишнинг қуйдаги параметрлари: ҳақиқий иш вақти, умумий вақт; бажарилган машқлар ҳажми; 1 дақиқада бажарилган элементлар сони; комбинациялар сони; комбинациялардаги элементлар сони;

комбинациядаги бажарилган элементларни тренировкада бажарилган элементларни умумий сонига фоиз нисбати; тренировкада снарядда уринишлар сони; 1 уринишдаги элементлар сони; машқ турлари сони; юқори гуруҳ мураккабликдаги элементлар сони ўрганилди (1-расмга қаранг).



1 – расм. Ўқув-тренировка машғулотларини педагогик кузатиш жараёнида 11-13 ёшли гимнастикачилар тренировка юкламаларининг параметрлари

Тажрибанинг давомийлиги 5 ойдан (январ-май) иборат бўлди. Тадқиқотлар жараёнида «ташқи» юклама параметрларини аниқлашдан ташқари, алоҳида тиббий-биологик ва педагогик маълумотлар қайд қилинди, улар бўйича ўсмир гимнастикачилар организмининг асосий функционал тизимлари тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Асосий гуруҳ тренерлари жавобларининг таҳлили гимнастикачилар тренировка машғулотлари жараёнида 4-5 та снарядда 4-5 та комбинацияни бажаришини кўрсатди. Шу билан бирга, ўқув-тренировка машғулотларини педагогик кузатиш ва хронометраж қилиш материаллари юқорида айтилган фикирга қарама-қаршидир. Тадқиқот маълумотларининг кўрсатишича, ўсмир гимнастикачилар 5 ой давомида тренерлар кўрсатган мусобақа машқларининг бутун комбинациясини биронта ҳам тренировка давомида бажаришмаган. Ўхшаш ҳолат юкламанинг бошқа компонентларида ҳам аниқланган. Тадқиқотлар давомида ўсмир гимнастикачиларнинг ўқув-тренировкаси жараёнида ҳажми ва жадаллиги бўйича ҳар хил бўлган юкламаларни даврийлаштириш ва қатъий кетма-кетлиги бўйича илмий асосланган тавсияларнинг ҳозирга қадар жуда кам қўлланилиши кўрсатилди. Ундан ташқари, алоҳида ҳолатларда шуғулланувчилар машғулотлар жараёнида тренировка юкламаси асосий ҳажмини бажаришнинг муҳимлигига қарамасдан, шуғулланганликнинг зарурий даражасига етишга қобилиятли эмасдирлар.

Жисмоний тайёргарлик (ЖТ) бўйича назорат тестларининг натижалари ва дастлабки беш ойлик тажрибанинг боши ва якунида ўтказилган педагогик кузатиш материаллари, биз томондан тахмин қилинган тренировка машғулотининг паст самарадорлигини тасдиқлади.

Биз тадқиқ қилган I-разрядли гимнастикачилар ўртасида, 1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, ЖТ бўйича 10 та назорат тестларидан фақатгина 4 таси, иккинчи разрядлиларда эса учтаси ишончли ўсди.

Техник тайёргарликни тавсифлайдиган 6 та назорат машқидан 5 тасининг натижалари I-разрядли гимнастикачиларда сезиларли даражада ошди ($p<0,05$), фақат «Турникда таянчдан орқага силтаниш ва айланиб туриш» (кетма-кет уч марта) тести бўйича кўрсаткичларнинг ўсиши ишончсиз бўлди ($p\geq0,05$). Иккинчи разрядли гимнастикачиларда қарама-қарши ҳолат аниқланди, фақатгина «Қўшпояда таянчдан силкиниб, орқага силташ билан қўлларда туриш, 10 та уриниш» тести бўйича натижа ўсди ($p\leq0,05$). Қолган 5 та кўрсаткичлар ишончсиз ўзгарди.

10 сония давомида турникда тортилиш, вақтга арқонга тирмашиб чиқиш ва айрим бошқа тезкор-куч тавсифидаги тестларда кўрсаткичларни анча яхшилаш қийинлиги нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш лозимки, тажриба иштирокчиларида куч ва техникага йўналтирилган машқларда кўпчилик кўрсаткичларнинг яхшиланиш томонга ўзгариши содир бўлиши керак эди. Лекин, бунга гимнастикачилар анча юқори самарадорликдаги тренировка ишини бажарганидагина эришиш мумкин бўлади. Буларнинг барчаси, тадқиқотларнинг учинчи ойида бажарилган машғулотлар юкламаси катталиги ва йўналиши бўйича етарли эмаслигидан далолат беради.

1-жадвал

Педагогик кузатув давомида ёш гимнастикачилар жисмоний ва техник тайёргарлик кўрсаткичларининг ўзгариши (январь – май 2016 й.)

№	Жисмоний, махсус ва техник тайёргарлик бўйича тестлар	I разряд			II разряд		
		Тадқиқот гуруҳи			Тадқиқот гуруҳи		
		Тадқиқот-гача (M ± m)	Тадқиқот-дан кейин (M ± m)	Тадқи-қотдан кейин (P)	Тадқиқот-гача (M ± m)	Тадқиқт-дан кейин (M ± m)	Тадқи-қотдан кейин (P)
Махсус жисмоний тайёргарлик							
1.	Қўлларни силтаб юқорига сакраш (см)	44,25±0,84	46,15±0,85	>0,05	34,33±1,0	37,5± 1,05	<0,05
2.	Югуриб келиб баланд арқондан сакраб керишиб умбалоқ ошиш (см)	171,7±1,56	175,16±1,60	>0,05	155,0±2,4	161,1±2,40	>0,05
3.	Ҳалқаларда таянч ҳолати, қўллар тўғриланган ва тасмаларга тегмайди (см)	34,90±1,57	37,27±1,56	>0,05	34,37±1,5	35,90±1,58	>0,05
4.	Қўшпояда таянчда қўлларни букиш ва ёзиш, 10 секунд (марта, сони)	8,33±0,11	8,79±0,15	<0,05	5,65±0,24	6,34±0,26	>0,05
5.	Турникда 10 сония тортилиш (марта, сони)	5,41±0,16	5,87±0,17	>0,05	5,15±0,16	5,50±0,13	>0,05
6.	Бурчак ҳолатидан куч билан букилиб, қўлларда тик туриш (марта, сони)	3,75±0,24	4,58±0,21	<0,05	5,65±0,24	6,25±0,32	>0,05
7.	Шерик ёрдамида қўллар ва бошда туриш орқали куч билан қўлларга туриш (марта)	10,95±0,51	13,2±0,49	<0,05	9,55±0,49	11,15±0,43	<0,05
8.	«Шпагат» (баҳо балларда)	7,42±0,14	7,76±0,12	>0,05	7,51±0,12	7,84±0,11	>0,05
9.	Узунлиги 4 м бўлган осилган арқонга чирмашиб чиқиш (ёрдамсиз, сек.)	7,74±0,17	7,55±0,18	>0,05	7,81±0,12	7,53±0,12	>0,05
10.	Бурчак ҳолатидан қўлларни букмасдан куч билан букилиб қўлларда тик туриш (марта, сони)	2,91±0,15	3,95±0,17	<0,001	2,45±0,25	3,50±0,25	<0,01
Техник тайёргарлик							
1.	Бир оёқ билан силташ, бошқаси билан депсиниш билан қўлларда туриш ҳолатига ўтиш, гиламда 10 та уриниш (марта, сони)	3,79±0,15	4,50±0,13	<0,01	2,54±0,27	3,30±0,25	>0,05
2.	Қўшпояда таяниб тебранишдан орқага силтаниб қўлларда туриш, 10 та уриниш (марта, сони)	4,50±0,15	5,33±0,16	<0,05	3,34±0,20	4,15±0,22	<0,05
3.	Турникда таянчдан орқага силтаниш ва айланиб туриш, уч марта кетма-кет (марта, сони)	0,92±0,51	1,12±0,06	>0,05	0,55±0,10	0,68±0,09	>0,05
4.	Дастакли отда оёқларни тўғри чалиштириш (марта, сони)	16,08±1,11	19,41±1,13	<0,05	6,90±0,73	8,9±0,75	>0,05
5.	Дастакли отда икки оёқда айланиш (марта,сони)	20,37±1,04	24,20±1,14	<0,05	12,40±0,9	14,10±0,87	>0,05
6.	Дастакли отда кўндаланг айланиш (марта, сони)	11,66±0,77	14,33±0,78	<0,05	4,84±0,62	6,0±0,67	>0,05

Тренировка жараёнида 11-13 ёшли гимнастикчилар организмига ҳажми ва жадаллиги бўйича ҳар хил бўлган тренировка ишини таъсирини ўрганиш мақсадида қандай юкламаларни катталиги ва йўналиши бўйича кичик, ўрта ва катта деб ҳисоблаш мумкинлигини аниқлаш зарур бўлди (2-жадвалга қаранг).

Педагогик кузатишлар натижалари ва тиббий-биологик тадқиқотлар материалларининг кўрсатишича, II-разрядли ўсмир гимнастикачилар учун ҳажми 150-200 та элементдан иборат ва жадаллиги 5,5-7,4 бўлган тренировка машғулотлари «кичик», ҳажми 210-280 та элементдан ташкил топган ва жадаллиги 7,8-10,3 бўлгани «ўрта», ҳажми 290-340 та элементлардан иборат ва жадаллиги 10,7-12,6 бўлганлари «катта» юкламали ҳисобланади.

2-жадвал

Тренировка юкламаси ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда II ва I разрядли ўсмир гимнастикачилар тиббий-биологик ва ҳаракат функциялари кўрсаткичларининг ўзгариши (M ±m)

Гуруҳлар	Тренировка юкламасининг ҳажми	Ўлчаш вақти ва статистик мезонлар	«Эркин машқлар» тести		
			Максимал пульс	Тикланиш вақти	Тикланиш вақтидаги ЮҚЧ суммаси
	II спорт разряди				
1 гр	250-300 эл., 2-4 та комбинация, 1.6-1.9 эл. мин .	Тренировкагача	182,6±1,2	116,6±4,1	269,7±12,6
		Тренировкадан кейин	178,6±1,3	108,3±4,5	240,9±12,1
		P	<0,05	>0,05	>0,05
2 гр	310-380 эл., 5-7 та комбинация, 2.0-2.4 эл. мин .	Тренировкагача	183,3±1,4	121,3±3,6	281,8±6,3
		Тренировкадан кейин	185,2±1,6	125,9±3,1	296,3±6,9
		P	>0,05	>0,05	>0,05
3 гр	390-440 эл., 8-10 та комбинация, 2.5-2.9 эл. мин.	Тренировкагача	181,2±1,4	116,3±3,1	265,5±6,3
		Тренировкадан кейин	194,1±1,9	155,1±2,4	365,3±5,8
		P	<0,001	<0,001	<0,001
	I спорт разряди				
1 гр	260-320 эл., 3-5 та комбинация, 1.7-2.0 эл. мин.	Тренировкагача	192,3±1,5	182,0±11,3	438,3±5,2
		Тренировкадан кейин	187,3±1,4	162,3±1,7	383,5±5,8
		P	<0,05	<0,001	<0,001
2 гр	330-420 эл., 6-9 та комбинация, 2.1-2.5 эл. мин .	Тренировкагача	193,0±1,5	181,3±1,3	440,6±5,5
		Тренировкадан кейин	192,7±1,2	183,7±1,4	414,3±4,7
		P	>0,05	>0,05	<0,001
3 гр	430-490 эл., 12-15 та комбинация, 2.6-3.0 эл. мин.	Тренировкагача	190,3±1,1	175,2±1,5	431,7±4,7
		Тренировкадан кейин	196,7±1,5	206,6±2,2	474,2±4,9
		P	<0,01	<0,001	<0,001

I-разрядли ўсмир гимнастикачилар учун ҳажми 160-220 та элементдан иборат ва жадаллиги 5,9-8,1 бўлган тренировка машғулотлари - «кичик», ҳажми 230-320 та элементлардан иборат ва жадаллиги 8,5-11,5 – «ўрта», ҳажми 330-390 та элементга тенг ва жадаллиги 12,2-14,4 бўлгани эса «катта» юклама ҳисобланади.

Махсус-ҳаракат ва техник тайёргарлик бўйича юқорида кўриб чиқилган

натижалар, тренировка юкламаси параметрларининг катталиги ва жадаллиги, вақт тавсифлари ва ўсмир гимнастикачилар организмининг функционал тизимлари кўрсаткичлари орасидаги ўзаро алоқадорликни ўрганиб чиқиш мақсадида дастлабки ва асосий тажрибалар жараёнида олинган маълумотлар корреляцион таҳлил қилинди.

Тадқиқотларда қуйидаги кўрсаткичлар ўртасида ишончли юқори корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди:

- спорт натижалари ва ишнинг ҳақиқий вақти (0,580), ишнинг ҳажми (r=0,582), 1 дақиқада бажарилган элементлар сони (r=0,730), тренировкада комбинацияларни бажариш вақти (r=0,828), жадаллик индекси (r=0,730), юқори даражада мураккаб элементларни бажаришлар сони (r=0,768);

- ишнинг ҳақиқий вақти ва тренировканинг умумий вақти (r=0,862), ишнинг ҳажми (r=0,999), бир дақиқа ичида бажарилган элементлар сони (r=0,365), тренировка пайтидаги комбинациялар сони (r=0,844), жадаллик индекси (0,860), мураккаб гуруҳ элементлари сони (r=0,753).

Тадқиқотнинг бирламчи материаллари асосий педагогик тажриба дастурини ишлаб чиқишда қўлланилди. Тажриба давомида 11-13 ёшли гимнастикачилар тайёргарлиги мусобақаолди босқичини ҳафталик микроциклида катталиги ва йўналиши бўйича «кичик», «ўрта» ва «катта» тренировка юкламалари кетма-кетлигининг энг аҳамиятли вариантларини аниқлаш вазифаси ўз ечимини топди.

Диссертациянинг “**Мусобақа олди тайёргарлик босқичидаги ҳафталик микроциклда 11-13 ёшли гимнастикачиларни ҳажми ва жадаллиги бўйича ҳар хил бўлган тренировка юкламаларини тажрибада асослаш**” деб номланган тўртинчи бобида асосий педагогик тажриба 5 ой давомида – 2017 йилнинг январидан то май ойига қадар ўтказилди. Ушбу тадқиқотларда Тошкент шаҳар БЎСМ ва ИБЎОСММ ларда шуғулланадиган 11-13 ёшли 36 нафар ўсмир гимнастикачи (улардан 18 нафари биринчи разрядлилар ва 18 нафари иккинчи разрядлилар) иштирок этди.

Тажриба иштирокчилари 18 кишидан иборат иккита гуруҳга бўлинди. Ҳар бир гуруҳга биринчи ва иккинчи разрядли спортчилар тенг миқдорда танланди. Гуруҳларга ажратишда гимнастикачиларнинг жисмоний ривожланиши даражаси, махсус жисмоний ва техник тайёргарлиги бўйича тест натижалари ҳисобга олинди. Мавжуд фарқлар статистик ишончсиз (P > 0,05).

Назарий маълумотлар ва дастлабки тадқиқот материалларидан келиб чиққан ҳолда тажриба гуруҳи (ТГ) нинг ҳафталик микроциклдаги тренировка юкламалари 5 ой муддатга ритмик кетма-кетлик билан, жадалликлари «катта», «ўрта» ва «кичик» ўзгарувчанлик тамойили бўйича тақсимланди.

Душанба – ўрта юклама (II разрядли спортчиларда 210-280 та элемент, I разрядлиларда 230-320 та элемент), сешанба – катта юклама, чоршанба – катта юклама (II разрядли гимнастикачиларда 290-340 та элемент, I разрядлиларда 330-390 та элемент), пайшанба – кичик юклама (II разрядли спортчиларда 150-200 та элемент, I разрядлиларда 160-220 та элемент), жума – катта юклама, шанба – ўрта юклама, якшанба – фаол дам олиш.

Тайёргарлик дастури талабларига мувофиқ юкламанинг ҳажми январдан то март ойига қадар ошди ва март ойида максимал даражага етди. Июн ойидан бошлаб (тайёргарлик режасига мувофиқ) юкламанинг катталиги секин-аста пасайди (3-жадвалга қаранг). Биринчи уч ойда ишнинг жадаллиги оптимал даражада сақланди, лекин мусобақаолди босқичининг кейинги микроциклларида ушбу кўрсаткич максимум даражага қадар изчил равишда ортиб борди. ТГ ёш гимнастикачиларининг тренировка машғулотлари ва тайёргарлик даражаларини стабиллаштириш мақсадида асосий мусобақалардан олдин 4-ҳафта давомида“маятник” тамойили қўлланилди.

Мусобақадан бир ой олдин ТГ гимнастикачилари ҳафтанинг биринчи, учинчи ва бешинчи кунлари дастур талаблари асосида «маятник» тамойилидан келиб чиққан ҳолда бўлажак мусобақа модели бўйича шуғулландилар. Комбинациялар миқдори ёш гимнастикачилар организмининг юрак-томир тизимига тушадиган юклама даражасини акс эттирувчи ҳар бир комбинациянинг умумий пульс қийматини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилди ва бу режа амалда қўлланилди (2,3-расмларга қаранг). Тренировкаларнинг биринчи, учинчи ва бешинчи кунларидаги кўпкураш турларини навбатлаш вариантлари ёш гимнастикачиларнинг функционал ҳолати ва ҳаракатларга тайёрлигини ҳисобга олиб қўлланилди.

Ўсмир гимнастикачиларнинг тайёргарлик даражаси юқори бўлганида, юклама вариантини бажариш умумий пульс қиймати бўйича (1-вариант) – эркин машқлардан бошланди. Ўсмир гимнастикачиларнинг ҳолати ва кайфияти қониқарли бўлганда эса умумий пульс қиймати бўйича нисбатан енгил вариант таклиф қилинди (3,4-вариант) – тренировка ҳалқалар ёки қўшпояларда сакраш машқларидан бошланди. Педагогик тажриба давомида олтита вариантдан биринчиси кўпроқ қўлланилди, чунки бу вариантнинг иш ҳажми бошқа снарядлардаги ишга нисбатан энг оғири ҳисобланади.

Тажрибанинг дастлабки икки ойида ТГ ва назорат гуруҳи (НГ) гимнастикачилари бажарган тренировка юкламалари, 2 ва 3-расмлардаги маълумотларнинг кўрсатишича, ишончли фарқларга эга бўлмади. Ўтказилган тажрибалар материалларини таҳлил қилиш асосида ТГ гимнастикачиларининг дастурига, хусусан, ҳафталик микроциклларда юкламанинг динамикаси ва уларнинг параметрлари бўйича алоҳида ўзгартиришлар киритилди.

ТГ мусобақа дастурига апрел ойида ўзгартиришлар киритилди, айнан, ҳафтанинг биринчи, учинчи ва бешинчи кунларида тренировка машғулотлари «маятник» тамойили бўйича тузилди. Асосий эътибор юклама жадаллигини «созловчи» микроциклга келиб максимал оширишга қаратилди. Бу бир дақиқада ҳамда бир уринишда бажариладиган элементлар сонининг ошишида, комбинация таркибига кирадиган элементлар сонининг барча бажарилган элементлар сонига нисбатан фоизлардаги нисбатида ифодаланди.

Бажарилган бутун комбинациялар ва комбинациялардаги элементларнинг миқдори ортди (2 ва 3-расмлар), уларнинг катталиклари май ойида мусобақалар бошланиши билан секин-аста пасайди.

3-жадвал

Педагогик тажриба жараёнида II катталар разрядига эга спортчиларнинг махсус жисмоний ва техник тайёргарлик кўрсаткичларининг ўзгариши (M±m)

№	Жисмоний, махсус ва техник тайёргарлик бўйича тестлар	Тажриба гуруҳи (ТГ)		Назорат гуруҳи (НГ)		ТГ ва НГ (Р)		Ўсиши (%)	
		Тадқиқот-гача	Тадқиқот-дан кейин	Тадқиқот-гача	Тадқиқот-дан кейин	Тадқиқот-гача	Тадқиқот-дан кейин	ТГ	НГ
	Махсус жисмоний тайёргарлик								
1.	Қўлларни силтаб юқорига сакраш (см)	35,0 ± 1,42	39,8 ± 1,55	39,1±1,82	41,7±2,16	>0,05	>0,05	13,7	6,6
2.	Югуриб келиб баланд арқондан сакраб керишиб умбалоқ ошиш (см)	162,0 ± 3,0	183,4 ± 4,41	161,5±3,54	170,5±3,9	>0,05	<0,05	13,2	5,5
3.	Ҳалқаларда таянч ҳолати, қўллар тўғриланган ва тасмаларга тегмайди (см)	36,8± 2,63	42,5± 2,29	36,0 ± 2,63	36,4 ± 1,9	>0,05	<0,05	15,8	1,1
4.	Қўшпояда таянчда қўлларни букиш ва ёзиш, 10 секунд (марта, сони)	6,6 ± 0,51	7,9 ± 0,48	6,8 ± 0,40	6,0 ± 0,37	>0,05	<0,01	19,6	-11,7
5.	Турникда 10 сония тортилиш (марта, сони)	5,4 ± 0,10	6,2 ± 0,13	5,6 ± 0,10	5,6 ± 0,16	>0,05	<0,01	14,8	-0
6.	Бурчак ҳолатидан куч билан букилиб, қўлларда тик туриш (марта, сони)	4,7 ± 0,51	6,9 ± 0,56	3,8 ± 0,40	4,4 ± 0,37	>0,05	<0,01	46,8	15,7
